



# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2011-yil, 12-may. Payshanba 57 (31.333) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

## Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



**Тинчлик, миллатлараро тотувлик мустақил Ўзбекистони-мизнинг энг катта бойлигидир.**



**Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этади. Жаҳон тажрибасида эса 3-5 фоиздан ошмайди.**



**Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга ошди.**



**Миллат умиди, мамлакат таянчи бўлган истеъдодли ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.**

### Комиссия мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Президентимизнинг 2011 йил 14 январда қабул қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишига асосан меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда жорий йил апрель ойида бўлиб ўтган «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ҳамда «Ахборот ва сўз эркинлигини янада ислоҳ қилиш» мавзусидаги семинар натижалари кўриб чиқилди ҳамда уларда билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар таҳлил этилди.

Мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш

мақсадида ишлаб чиқилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида» ва «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида», «Телерадиозшиштиришлар тўғрисида», «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда.)

### ЎзХДП электорат манфаати



## Аҳолининг ижтимоий фаоллиги

ортишида партия ташкилотлари муносиб иштирок этиши зарур

Гузор тумани Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги Катта қишлоқда Қашқадарё вилоятининг барча туманларидан партиямиз фаоллари тўпланди. Бу ерда ЎзХДП Марказий Кенгаши, республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Аёллар Кенгаши» жамоат бирлашмаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказилди.

#### УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши пленумида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»дан келиб чиқиб белгиланган олинган дастлабки вазифалар ижроси таҳлил этилди. Навбатдаги

муҳим йўналишлар муҳокама қилинди. Вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Олим Равшанов бу борада бажарилган ишлар ҳақида ахборот берди. Партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари фаолиятини таҳлил этди.

— Ўтган йили вилоят Кен-

гашидаги депутатлик гуруҳининг 9 та йиғилиши ўтказилди, — деди у. — Жорий йил вилоят Кенгаши сессиясида депутатлик гуруҳи ташаббуси билан касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш дастури ижроси муҳокама қилинди ва долзарб вазифалар белгиланган олинди. Доимий комиссияларнинг йиғилишларига ҳам жиддий ижтимоий-иқтисодий масалалар олиб чиқилмоқда. Турли масалаларни ҳал қилиш бўйича 100 га яқин депутатлик сўрови юборилган ва назоратга олинган. Депутатларимиз ташаббуси билан Деҳқонobod туманида «Электр энергияси тўғрисида», Касби туманида «Таълим тўғрисида», Ки-

тоб туманида «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар ижроси ўрганилиб, йўл кўйилаётган хато ва камчиликлар муҳокама қилинди.

Тўғри, кўпчилик партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ўз зиммасидаги масъулиятни тўғри англаб, шунга яраша фаоллик кўрсатаяпти. Аммо айрим туманлар партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятидаги камчиликлардан кўз юммаслик керак. Партия Харакат дастурида белгиланган вазифаларга совуққонлик билан қараш оқибатида партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари тарқок харакат қилмоқда.

⇒ 2

### Эътироф

Ўзбекистонга кўп йиллар илгари келгандим. Унинг бутунги қиёфасини аввалгиси билан сира таққослаб бўлмайди. Юртингиз жамоли, одамларнинг ҳаёти, тафаккури жуда ўзгариб кетди. Бу ерда санъат, маънавият, маданият ривожига кўрсатилаётган улкан эътибор, аввало, ёшлар тарбияси, келажоги йўлида хизмат қилаётгани таъсирга сазовор. Ўзбекистон — нурилик истиболга юз тутган мамлакат. Унинг фарзандлари ўз Ватани — бу бетакрор юрт билан ҳар қанча фахрланса арзийди».

Лиза СОТИЛИС, (Греция)

### Идоралараро кенгаш йиғилиши

Мамлакатимизда ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш, уларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни яхшилаш, жумладан, муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралда қабул қилинган «2011-2015 йиллар учун ахборот-коммуникацион технологиялар ба-

засида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизмат кўрсатишни кейинчалик сифатли ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан, кейинги йилларда соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ахборот-кутубхона фондларининг электрон нусхасини шакллантириш, республикада интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғини яратиш, ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган дастур қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда.)



### Ульянанинг иккинчи «бронза»си

Киевда бадий гимнастика бўйича жаҳон кубогининг навбатдаги босқичи ниҳоясига етди. Унда истеъдодли гимнастикачимиз Ульяна Трофимова тўп билан машқ бажаришда бронза медалига сазовор бўлди.

Бу унинг мавсумдаги иккинчи бронза медали ҳисобланади. Ёдингизда бўлса, Ульяна Грецияда ўтказилган жаҳон кубоги босқичида ҳам бронза медали билан тақдирланганди.

⇒ 4

### Замонавий бозор инфратузилмаси ривож

Шерали УМАРОВ, ЎзХДП Навоий вилоят Кенгаши раиси



ЎзХДП электорати манфаатларини таъминлашга хизмат қилади

⇒ 2

2011 йил ЮНЕСКО томонидан Бутунжаҳон кимё фани йили деб эълон қилинди



### Ўзбекистонлик ёш кимёгарлар

халқаро Менделеев олимпиадаси голиблари сафида

⇒ 4

### Луқма

### Обрў топишнинг «Адолат»ча йўли

ёки «Адолат» СДП демократик ислохотларнинг янги босқичида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларида ўз номзодлари билан фаол иштирок этиб, партиянинг нуфузини оширишни вазифа қилиб қўймоқда

⇒ 2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 11 МАЙДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ							
1 Австралия доллари	1827,79	1 Миср фунти	285,61	1 СДР	2728,99	10 Жанубий Корея вони	15,71
1 Англия фунт стерлинги	2782,07	1 Канада доллари	1766,72	1 Туркия лираси	1102,38	10 Япония иенаси	210,72
1 БАА дирҳами	462,08	1 Хитой юани	261,31	1 Швейцария франки	1939,11	1 Россия рубли	61,35
1 АҚШ доллари	1697,11	1 Малайзия ринггити	568,83	1 Евро	2504,25	1 Украина гривнаси	212,98

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.







